

Аллоҳдан қўрқ ва сабр қил

09:15 / 16.11.2017 3876

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабр олдида йиғлаётган бир аёлни кўриб, «**Аллоҳдан қўрқ ва сабр қил**», дедилар. Шунда у аёл: «Нари тур, чунки сенга мендаги мусибат етмагандир ва уни билмайсан ҳам», деди. Шунда у аёлга: «Бу киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар», деб айтилди. У аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дарвозаларига келди. Лекин у зот ҳузурларида эшик оғаларини топмади. Аёл: «Сизни танимабман (Эй Расулуллоҳ)», деди. Шунда у зот: «**Ҳақиқий сабр аввалги зарба пайтдагисидир**», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Муслимнинг ривоятларида: «У хотин бир гўдак боласига йиғлаётган эди», деб келтирилган.